

Халқ сўзи

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 11 октябрь, № 220 (8282)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ ДЗЮДО БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИНИ КУЗАТДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни “Nuno Arena” спорт саройига ташриф буюриб, дзюдо бўйича жаҳон чемпионати беллашувларини томоша қилди.



Маълумки, бу нуфузи бўйича Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда турадиган муҳим мусобақадир. Юртимизда биринчи марта ўтаётган мазкур чемпионатда 82 та мамлакатдан 571 нафар дзюдочилар иштирок этмоқда. Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида 18 нафар йигит-қиз курашмоқда.

Давлатимиз раҳбари эркаклар ўртасида 90 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги финал беллашувини кузатди. Қизгин ва тенг курашлар остида ўтган баҳсда юрдошимиз Давлат Бобонов италиялик рақиб Кристиан Парлатини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Бу мамлакатимиз

дзюдоси тарихида яна бир катта муваффақият бўлди. Фолиб Давлат Бобонов (олтин) ва совриндорлар Кристиан Парлати (кумуш), грузиялик Лаша Бекаури ва Лука Майсарадзега (бронза) медалларни Президент Шавкат Мирзиёев топширди.

Мусобақанинг кейинги кунларида яна тўрт нафар спортчимиз гиламга чиқадди. Жаҳон чемпионати 13 октябрь куни якунланади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни электромобиль тармоғини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш қамровини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишди.

Мамлакатимизнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, жумладан, электромобиллар ишлаб чиқариш бўйича ҳам мақсадлар белгиланган. Шу йил 14 февралда ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари бу ҳақда аниқ кўрсатмалар берган эди.

Тақдимотда “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти раҳбарлари бу борада хорижий компаниялар билан эришилган келишувлар, ўзлаштирилиши кутилаётган моделлар ҳақида ахборот берди. Электромобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қувватлаш станциялари тармоғини кенгайтириш, бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

— Электромобиллар кундалик ҳаётимизга жадал кириб борапти. Импорту осяпти. Нима учун? Чунки талаб бор. Бундай машиналарнинг харажати кам. Энг муҳими, одамларимиз шунга маъқул кўрапти. Шундай экан, халқимизга замонавий электромобиллар етказиб беришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳақиқатан ҳам, электромобилларнинг юриш харажати оддий автомобилга нисбатан 10 баравар, табиатга зарари эса 3 баравар кам. Ривожланган мамлакатларда бундай транспортлардан фойдаланиш кўпаймоқда. Албатта, бунинг учун катта инфратузилма керак.

Масалан, дунёда ҳар 20 та электромобилга битта қувватлаш станцияси тўғри келади. Юртимизда эса бундай жойлар атиги 50 та бўлиб, асосан, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган. Электромобилларга хизмат кўрсатиш марказлари йўқ.

— Ҳар бир қароримизда бир йиллик эмас, ўн йилликларни кўзлашимиз керак. Экологини ва келажақни инобатга олиб, бу тармоқни ҳозирдан ривожлантиришимиз зарур. Буни қанча тез қилсак, автомобиль бозо-

рида рақобат пайдо бўлади. Бошқа электромобиль компаниялари ҳам келади, — деди Президент.

Шу боис соҳада тажрибага эга хорижий компания билан қўшма корхона ташкил қилиб, оммабоп электромобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари электромобилларнинг нархи арзон бўлиши кераклигига алоҳида эътибор қаратди. Бу эса бутловчи қисмларнинг маҳаллийлаштирилганига даражасига боғлиқ.

Мисол учун, электромобиль таннархнинг 30 фоизини аккумулятор, 10 фоизини электр ўтказкичлар ташкил қилади. Юртимиз заминидagi литий, мис, графит каби хомашё захира-ларидан фойдаланиб, бундай қисмларни бемалол ўзимизда ишлаб чиқариш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, маҳаллий электромобиль хари-ди учун олинган кредит фоизининг бир қисми қоплаб берилиши белгиланди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 20 та электробус ҳаракатланмоқда. Келгуси йилда пойтахтимизга яна 200 та, Самарқандга 100 та электробус олиб келиш режалаштирилган. Бун-дай транспортларни бошқа шаҳарларда ҳам йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Электромобилларга хизмат кўрсатиш тар-моғини кенгайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Келгуси икки йилда жойларда икки минг-та қувватлаш станциялари ташкил этиш вази-фаси қўйилди. Бу станцияларга ҳам ер, мулк ва фойда солиғидан имтиёз қўлланилади. Тад-биркорларга қувватлаш станциялари орқали электрни эркин нархда сотиш ҳуқуқи берилди.

Бу тармоққа ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги ҳам таъкидланди. Турин политехника университетида электромобиллар бўйича илмий лаборатория ташкил этилиши, профессор-ўқитувчи ва мутахассислар Житой, Германия, АКШ, Жанубий Корея каби давлат-ларга малака оширишга юборилиши айтилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига аҳоли даромадини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурслар (хизматлар) билан узлуксиз таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни ка-фолатли харид қилиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Боғдорчилик агентлиги) мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр билан қўшимча 300 миллиард сўм бюджет сусудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.**

Молия вазирлигига қайтарилган маблағлар ҳисобидан йил давомида Боғдорчилик агентлигининг буюртманомалари асо-сида қўшимча бюджет сусудаси ажратиб борилишини таъмин-лаш вазифаси юклатилсин. Бунда ажратилган бюджет сусудаси бўйича қарздорликнинг жами суммаси **мазкур қарор доирасида 300 миллиард сўмдан ошиб кетмаслиги** кераклиги белгилаб қўйилсин.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағ-лар Боғдорчилик агентлиги томонидан тижорат бан-каларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, Боғ-дорчилик агентлигининг лойиҳа офислари раҳбарларининг ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйи-ча туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг тавсиясига кўра: **қишлоқ хўжалиги корхоналарига — мева, узум, кар-тошка, сабзавот, полиз экинлари, кўкатлар ва дори-вор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар** (кейинги ўринларда — қишлоқ хўжалиги экинлари) етиштиришга уруғ-лик, ўғит, ёқилғи, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ет-казиб бериш учун;

(Давоми 2-бетда).

САМАРҚАНД САММИТИ: КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ САРИ

Биз инсониятнинг технологик, илмий, сиёсий ва экологик ҳақатдан энг муҳим ривожланиш даврида турибмиз. Ҳукуматлар томонидан иқлим ўзгаришига қарши курашишдан тортиб, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишгача бўлган соҳалардаги қарорлар келажақ авлодларга янги имкониятларни янада кенгайтиришига бевосита таъсир қилади.

Нуктаи назар

Келгуси мақсадларимизга эътибор қаратиш ва олдимизда турган янги ўзга-ришларни инобатга олган ҳолда йўналиш-ларимизни аниқлаб олиш ҳеч қачон бу қадар муҳим ва долзарб бўлмаган. Давлатлар ўртасида истиқболдаги умум-ий мақсадларни белгилаш, эришилган ютуқларни баҳам кўриш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, муштарак қадриятлар ва им-кониятларга эътибор қаратиш бунчалик катта аҳамият касб этмаган.


Сўнгги йилларда Бирлашган Араб Амириклари билан Ўзбекистон Респуб-ликаси ўртасидаги кенг қамровли ва узоқ муддатли шериклик мутлақо янги босқич-га кўтарилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамо-лигида бизга дўст ушбу мамлакатда олиб борилаётган қўламдор ва изчил ислохот-лар натижасида “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда “Йил мамлака-ти” деб эътироф этди. Инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва ҳукумат-ни жадал модернизация қилиш орқали

таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма каби муҳим тармоқларда эътиборга молик ютуқларга эришилмоқда.

Расмий Тошкентнинг 2022 йилни “Ўзро узвий боғлиқликни мустақамлаш йили” деб эълон қилиши бутун дунёга ўрнат-бўлиши лозим. БАА ҳам, Ўзбекистон ҳам жаҳон давлатлари билан биргаликда янада кучли бўлишига ишонамиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Ўзбе-кистон раислигида қадимий Самарқанд шаҳрида ўтган саммити кенг минтақа-ларда интеграция ва инновацияларни рағбатлантирадиган янги жаҳон иқти-содиётини шакллантириш учун ноёб имкониятга эга.



ДУНЁНИ ЧИН СЎЗ ВА ДАДИЛ ҲАРАКАТЛАР ИШОНТИРА ОЛАДИ

3

ДУНЁНИ ЧИН СЎЗ ВА ДАДИЛ ҲАРАКАТЛАР ИШОНТИРА ОЛАДИ

Ўзбекистон учун жаҳон бозорлари очилди



ХАБАРИНГИЗ БОР, ЯҚИНДА АҚШ МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ПАХТА ВА УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАХСУЛОТЛАРНИ АҚШГА ОЛИБ КИРИШГА КЎЙЛГАН РАСМИЙ ЧЕКЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ. УШБУ ХУШХАБАР НАФАҚАТ ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ХОДИМЛАРИ, БАЛКИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗ АҲЛИНИ ХУРСАНД ҚИЛМОҚДА. ЗОТАН, БУНДАЙ ТАҚИҚЛАРНИНГ ЕЧИЛИШИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗДА ГОЯТ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУ МАЪНОДА, СИЁСАТШУНОС ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ "ХАЛҚ СЎЗИ" ГАЗЕТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН "ДУНЁНИ ТАН ОЛДИРИШ ОСОНМИ?" МАҚОЛАСИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ДИЛИДАГИ ГАП БЎЛДИ, ДЕСАК, АЙНИ ҲАҚИҚАТ.

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ЖУДА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИБ ОЛИНГАН УШБУ МАҚОЛАГА ЭКСПЕРТЛАР, ЗИЁЛИЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ОДДИЙ ОДАМЛАР, КЎЙИНГИ, ЮРТИМИЗДАГИ ТАРИХИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИГА БЕФАРҚ БЎЛМАГАН КЕНГ АҲОЛИ ҚАТЛАМИДАН БЕВОСИТА ТАҲРИРИЯТГА ЙЎЛЛАНАётган ЁКИ ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ОРҚАЛИ МУНОСАБАТЛАР КЕЛИШДА ДАВОМ ЭТАётИР. УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИ СИЗ, АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАРГА ИЛИНДИК.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Дунёни тан олдириш осонми?" мақола-сида ҳақли равишда эътироф этилганидек, атиги беш-олти йил илгари пахтаимизи нафақат етиштириш, ҳатто сотиш ҳам минг машаққат билан бўлар эди. Тақлиф қилинаётган тола ёки маҳсулотимиз эталон даражасида бўлсаюк, қоки баҳосида нарх қўйиларди. Сабаби халқро бойкот ва чекловлар эркин савдога изн бермасди. "Мажбурий меҳнат", "болалар меҳнати" аталмиш тўсиқлар тўқимачилик саноти "оёғига чил" солиб келди.

Нихоят, у "қора кунлар" ортда қолди. Ўзбекистон тақиқларга сабаб бўлган омилларни бартараф этганини дунё тан ола бошлади. Ўзбекистон учун дунё бозорлари очилди. Лекин бунга осонликча эришилмаганини халқимиз қўриб-билиб турибди.

Чиндан ҳам, бугун пахтачиликда инқилобий ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз. Ахир 12 йилдан ортиқ амал қилган бойкот олиб ташланиши оддий гап эмас. Бу нафақат "Cotton Campaign" халқаро коалицияси, балки унинг чақириғига қўшилган 331 та халқаро бренд ҳамда ритейлер ўзбек пахтасини етиштириш ва йиғиштириб олишда мажбурий меҳнат йўқ эканлигини тан олганини аёнлади.

2022 йилнинг 28 сентябрида Америка Қўшма Штатлари Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилгани эса янги савдо йўлақларини очди.

Маълумки, АҚШ жаҳоннинг энг йирик бешта пахта етказиб берувчи мамлакатидир — Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Покистон қаторида. Бу давлатларда дунё пахтасининг тўртдан уч қисмидан кўпроги етиштирилади.



Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, икτισодиёт фанлари доктори, профессор.

фаолияти мисолида айтадиган бўлсак, улар экспортчи сифатида ташқи бозорда тез танланоқда. Масалан, фермерлар толаннинг бир килосини 1,5 долларга сотган бўлса, кластерлар пахта хомашёсини бундай арзон баҳога сотмаяпти. Улар 1,5 долларлик хомашёни 25 доллар ёки ундан ҳам кўп қўймай айлантириб, тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилишга интиляпти.

Маълумотларга кўра, 2022 — 2026 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 дан ортиқ инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Натигада хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича қўшимча киймат занжири йўлга қўйилиб, 350 мингта янги иш ўрни яратилади. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми эса икки баравар ортади.

Жорий йилнинг 7 июлида қабул қилинган "Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори соҳада яқин истиқболда белгиланган шубҳа режалар ижросида дастуриламал бўлади.

Қисқача айтганда, ўзбек пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига қўйилган чекловларнинг ечилиши мамлакатимизда миллионлаб янги иш ўринлари яратиб, қишлоқ ҳудудларидаги соҳасида халқро стандартларини жорий этиш, тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ошириш ҳамда соҳада халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Халқимиз рўшнолик кўришга ҳақли



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, икτισодиёт фанлари доктори, профессор.

га бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг замонавий шакли — пахта-тўқимачилик кластерлари вужудга келди. Президентимиз гоёси асосида йўлга қўйилган ушбу тизим нафақат пахтачиликда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф эттириш, балки уни сановатлаштириш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада яқинлаштиришда асосий кучга айланмоқда.

Соҳадаги ана шундай таркибий ўзгариш ва сифат янгила-нишлари туфайли ўнлаб йиллар давомида тақиқда бўлган оқ пахтаимиз "қора рўйхат"лардан чиқарилди. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг энг жоизабали соҳаларидан бирига айлана бошлади. Бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган банклари, хусусан, Жаҳон банки, Осиё та-раққиёт банки, Ислам та-раққиёт банки каби йирик молия инсти-тутлари ва инвесторлар томонидан юртимизга катта сармоялар киритилаётгани бунинг тасдиғидир.

Пахта етиштириш ҳақида гап кетганда, шу пайтгача меҳнат тақсимоти эмас, балки ундан олинандиган фойда ҳам ижобий тенденцияга эга бўлмаганини оқиб-оқиб айтишимиз зарур. Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аграр соҳада узоқ йиллар давомида сақлана келмаётган стереотипларни тубдан ўзгартди.

Ислохотларнинг янги босқичида иқтисодий юксалишимизга соя солиб келган пахтачиликдаги мажбурий меҳнатга узил-кесил нуқта қўйилди. Соҳага бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг замонавий шакли — пахта-тўқимачилик кластерлари вужудга келди. Президентимиз гоёси асосида йўлга қўйилган ушбу тизим нафақат пахтачиликда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф эттириш, балки уни сановатлаштириш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада яқинлаштиришда асосий кучга айланмоқда.

Зотан, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли қишлоқ хўжалиги соҳаси тубдан модернизация қилиниб, "инсон қадри учун" тамойилли тўлиқ ҳаёт таътиб этиляпти. Натигада Ўзбекистоннинг халқро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ошиб, муносиб ҳамкор сифатида эътироф топаётди. Аммо муаллиф ҳақли равишда уруғлаганидек, бугун "дунёни тан олди-риш осонми?"

Албатта, йўқ. Ўзингиз ўйланг, минг бир машаққат билан ҳосил етиштириб, қайта ишлашга унга талаб бор бозордан тақлиф ололмасанг, бундан кимга наф? Фақат "уртақаш" ларга!

Дунё миқёсида оладиган бўлсак, 80 дан ортиқ давлатларда хар йили 35 миллион гектарга яқин майдонларга чигит экилади. Пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида 200 миллион нафар киши меҳнат қилади. Етиштирилган ҳосил чуқур қайта ишланиши эвазига эса 92 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Афсуски, яқин-яқингача ана шунча турдаги сановат маҳсулотларимиз учун жаҳон бозорларининг ашиги ёпиқ эди.

Шуқри, ислохотларнинг янги босқичида иқтисодий юксалишимизга соя солиб келган пахтачиликдаги мажбурий меҳнатга узил-кесил нуқта қўйилди. Соҳа-

зириги Ўзбекистон пахта сановатида меҳнат шароитларини яқинлаштириш ҳамда мажбурий ва болалар меҳнатининг олдини олиш учун 2 миллион долларлик ҳамкорлик битими имзоланганини эълон қилди.

Ушбу лойиҳа АҚШнинг меҳнат ҳуқуқлари соҳасидаги энг йирик нодавлат нотижорат ташкилоти бўлган "Бирдамлик маркази" (Solidarity Center), АҚШ Савдо палатаси филиали ҳамда Миллий демократик жамғарманинг тўртта асосий институтидан бири бўлган Халқаро хусусий тадбиркорлик маркази (Center for International Private Enterprise) иш-тироқида амалга оширилади. Йўналтирилаётган маблағлар тўлиқ Ўзбекистон пахта-тўқимачилик корхоналари салоҳиятини халқро меҳнат стандартлари ва муносабатларига мослаштиришга йўналтирилиши белгиланган.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайли инсон қадрини улуғлашга қаратилган оқиб ва шафқат иқтисодий ислохотлар илчил давом эттирилади, пахта-тўқимачилик сановатида муносиб меҳнат шароитларини яратиб, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, ҳар ким ўз меҳнати ортдан рўшнолик кўришга ҳақлидир.

ЭЪТИРОФ



Патриция Жүревич ва Беннетт Фриман, «Cotton Campaign» асосчилари:

"Ўзбекистонда кластерлар кўринишидаги вертикаль интеграция орқали пахта билан боғлиқ барча жараён шу ернинг ўзиде амалга оширилишига имкон бор. Бунда пахта етиштирувчилардан тортиб, то охириг маҳсулот тайёр бўлгунгача жараёнларда тўла шаффофлик ва қузатувчанликка эришиш мумкин. Бу жа-рда ноёб ҳодиса ва халқро ҳамжамиятини ўзига жалб қила олади. Кластерлар уюшмаси эса бу албатта яхши, у орқали кўплаб иш ўринларини яратиб, қолавера, пахта сановатида ишловчиларнинг ҳаётини яхшилаш олиш мумкин".



Патриция Жүревич ва Беннетт Фриман, «Cotton Campaign» асосчилари:

"Ўзбекистонда кластерлар кўринишидаги вертикаль интеграция орқали пахта билан боғлиқ барча жараён шу ернинг ўзиде амалга оширилишига имкон бор. Бунда пахта етиштирувчилардан тортиб, то охириг маҳсулот тайёр бўлгунгача жараёнларда тўла шаффофлик ва қузатувчанликка эришиш мумкин. Бу жа-рда ноёб ҳодиса ва халқро ҳамжамиятини ўзига жалб қила олади. Кластерлар уюшмаси эса бу албатта яхши, у орқали кўплаб иш ўринларини яратиб, қолавера, пахта сановатида ишловчиларнинг ҳаётини яхшилаш олиш мумкин".



Теа Ли, АҚШ меҳнат вазирлигини ташкил қилиш бўйича ўринбосари:

"Ўзбекистоннинг меҳнат стандартларига содиқлиги ва қондаларга бўйсунуши, мамлакатда етиштирилган пахтадан фойдаланиш ва унга сармоя киритишга халқро қизиқиши жонланган. Ушбу иқтисодий ўсиш имкониятларидан фойдаланиш учун иш берувчилар муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш ва ишчи-ларнинг овози ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак. Шу билан бирга, ишчиларга меҳнат амалиётини қонуний ҳимоялаш ва меҳнат қонуничилигига риоя этиш тизимларида қатнашиш учун воситалар керак бўлади".

Теа Ли, АҚШ меҳнат вазирлигини ташкил қилиш бўйича ўринбосари:

"Ўзбекистоннинг меҳнат стандартларига содиқлиги ва қондаларга бўйсунуши, мамлакатда етиштирилган пахтадан фойдаланиш ва унга сармоя киритишга халқро қизиқиши жонланган. Ушбу иқтисодий ўсиш имкониятларидан фойдаланиш учун иш берувчилар муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш ва ишчи-ларнинг овози ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак. Шу билан бирга, ишчиларга меҳнат амалиётини қонуний ҳимоялаш ва меҳнат қонуничилигига риоя этиш тизимларида қатнашиш учун воситалар керак бўлади".

«Текин меҳнат» манбаига чек қўйилди

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Дунёни тан олдириш осонми?" мақола-сида ки-шини мулоҳазага чорлайдиган дол-зарб мавзу чуқур ва қўбсий таҳ-лиллар, ҳаётий мисоллар билан аниқ ва тушунарли очиб берилган. Уни диққат билан ўқирканман, миямда "Нега пахта хирмонини мажбурий меҳнат билан кўтарган-миз?", "Болаларни мажбурий меҳ-натга нима "мажбурий" қил-ган?" "Бу "сиртмоқ"ни бўйнимизга ким солган?" каби саволлар гужон ўйнай бошлади.

Масалани назар ташласак, пахтачиликдаги кўпчиликнинг тежамкор усулларидан фойдала-нилаётгани туфайли мўл ҳосил етиштирилмоқда. Аграр соҳадаги инновационлик, демократи, ман-фаатдорлик, тармоқда меҳнат қилаётган инсонларнинг турму-шига ҳам ёруғлик, фаровонлик олиб кирапти.

Ҳисоб-китобларга кўра, пахтаимизга қўйилган бойкотнинг олиб ташланиши тўқимачилик сановати маҳсулотларини экспортни икки баравар ошириши кутилмоқда. Сиртдан қараганда, АҚШнинг тўқимачилик маҳсулот-ларимиз импортидаги улуши у шунча турдаги сановат маҳсулот-ларимиз учун жаҳон бозорларининг ашиги ёпиқ эди.

лиққа эришганидан кейин ҳам мажбурий меҳнатнинг айрим шакллари кўзга ташланиб турди. Ўзгаришлар пахтачилик тармоғида жуда секин қузатилиб, пахта ўзбек деҳқонининг даромад манбаига айланмади, моддий манфаатдорлик измига тушмади. Оқибатда "сиртмоқ"дан ҳалос бўлиш хоҳиши бўлса-да, бо-лалар, аёллар, ўқитувчилар, тибби-ёт ходимлари мажбурий меҳнатга

рида энг кам даромад келтири-ган соҳа бўлиб қолиб кетаверди. "Қаймоқ"нинг мазасини эса қайта ташловчилар ва таъминотчи-лар қўраверди.

"Ислохот" деб қолхозни сана-ция қилиб кўрдик, бўлмади. Фер-мер хўжалиқларини "энига" ва "бўйига" қараб катта-кичик қилдик, барибир ер эгасини топмади. За-монлар ўзгарди-ю, лекин пахтачи-ликда эркин бозор шакл-ланмади. Хул-лас, етишти-рилган ҳосил ва таъминотчи-лар қўраверди.

"Ислохот" деб қолхозни сана-ция қилиб кўрдик, бўлмади. Фер-мер хўжалиқларини "энига" ва "бўйига" қараб катта-кичик қилдик, барибир ер эгасини топмади. За-монлар ўзгарди-ю, лекин пахтачи-ликда эркин бозор шакл-ланмади. Хул-лас, етишти-рилган ҳосил ва таъминотчи-лар қўраверди.

Бугунги кунда юртимиздаги кластерларнинг 17 тасида пахта-чилик ишланиши бешта босқич, 22 тасида тўртта, 30 тасида учта, 36 тасида 2 та ва 16 тасида бешта босқичи қамраб олинган. Устувор режага кўра, яқин келажакда барча кластерлар беш босқичли чуқур қайта ишлаш тизимига тўлиқ ўтади. Шу мақсадда 2022 — 2026 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 дан ортиқ инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Натигада хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича қўшимча киймат занжири йўлга қўйилиб, 350 мингта янги иш ўрни яратилади. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми эса икки баравар ортади. Эндиликда ўзбек тўқимачилик сановати 331 та халқаро бренд ҳамда ритейлернинг буюртмасини қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Бу — ўзбек пахта таласи ва у асосида тайёрланган маҳсулотларга дунё бозорлари очилди, дегани!

Хўш, ўтган олти йилда мамла-катда нима ўзгардики, бугунги кунга келиб далаларда деҳқон ўзи етиш-тирган маҳсулотни ўзи йиғиштириб сота бошлади, пахта майдонлари-да мактаб ўқувчилари ёки мажбу-рлаб олиб чиқилган "ҳашарчилар" йўқ? Бунга мақолада етарлича жа-воблар берилган.

Шу ўринда ушбу масаланинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратсак. Кейинги йилларда Ўзбе-кистонда ер ва сув муносабатла-рида деҳқон манфаатларидан ке-либ чиқиб, сиёсат олиб борилди. Деҳқоннинг нонини яримта қилиб

кетадиган таъминотчилар ва айрим "чаққонлар"нинг жиловы тийилди. Кластерлар ва фермерлар ҳамда таъминотчилар ўртасида бозор та-момойиллари асосида муносабатлар ўрнатилмоқда. Натигада пахта ва галланнинг харид нархлари бозордаги талаб ва тақлифи ино-батта олган ҳолда белгиланган тизим босқичида-босқич жорий қилинмоқда. Шахсан Президенти-мизнинг ташаббуси билан таълим ва соғлиқни қўбсий соҳасида хизмат қилаётган ходимларнинг ну-фузи жойига қўйилиб, ушбу соҳа вақиларига энди "текин меҳнат" манбаи сифатида қаралишига чек қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳатга мақола-да ўрин берилган бўлса ҳам, эъти-бор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Мамлакатимизда кейинги 5-6 йил ичида пахтачи чуқур қайта ишлаш, айнакча, текстиль соҳасининг тез суръатларда ривожланаётганлиги ҳам деҳқоннинг оғирини енгалла-тишга хизмат қилмоқда. Ушбу на-тижаларни юксалтириш ва барда-вомчилигини таъминлаш учун энди шаклланиб бораётган агрокластер-лар қишлоқ хўжалигини сановат би-лан боғловчи яққо ягона тизим эканлигини аниқлашимиз ва тако-милаштириш лозим.

Ўзбек пахтасининг "қора рўйхат"лардан чиқарилиши нафа-қат пахтачилик ва пахта хомашё-сини қайта ишлаш соҳасидаги ўзга-ришлар билан асосланган, айни пайтда мамлакатимиз иммигрант сал-бий таъсир кўрсатаётган ҳолатлар-нинг оқибатларини эмас, балки ке-либ чиқиб сабабларини бартараф этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар кўрилаётгани билан изоҳланади.

Бугунги глобал ўзгаришлар, ташқи омиллар таъсири кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон



Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори.

олиб бораётган прагматик ташқи сиёсат, яқин ва узоқ қўшилар би-лан дўстона алоқалар ўрнатиллаёт-гани мамлакатимизни Марказий Осиёнинг йирик иқтисодий ишти-роқчиларидан бирига айлантирди. Шу ўринда Ўзбекистон пахтасини, таъбир жоиз бўлса, "оқланганли-ги"ни ҳам бунинг тасдиғи сифати-да қабул қилишимиз мумкин. Нима бўлганда ҳам, бу — Ўзбекистон учун улкан натижа, юксак эътироф. Бунинг ўзбек деҳқонининг деярли бир ярим асрлик таҳқиринининг яқини сифатида қарасак, муаллиф айт-гандек, кўзларда ёш билан қарши олинандиган оламшумул ғалабадир.

Сирасини айтганда, Президенти-миз 2022 — 2026 йилларга мўлжал-ланган Янги Ўзбекистоннинг тарақ-қиёт стратегиясида қишлоқ хўжа-лигини интенсив ривожлантириш мақсадини белгилан берган. Ушбу йўналишда ислохотларни илчил да-вом эттириб, ютуқлар бардавом-лигини таъминлашимиз қўли қадоқ деҳқон олдидеги юксак бурчимиз ҳисобланади.

